



TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI —
O'ZBEKISTON
LIBERAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan
chiqa boshlagan

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2015-yil 30-aprel, payshanba, 18 (598)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ИЗЧИЛЛИК

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан партиянинг Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирокида барча ҳудудий ташкилотлар билан он-лайн тарзида «Партия тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлиги ва лойиҳалар ижросини назорат қилиш механизмлари» мавзусида ташкил этилган видеоконференцияда кўтарилган масалалар муҳокамаи вилоятларда уюштирилаётган амалий семинарларда изчиллик билан давом эттирилмоқда



Солитқ 30ИР олган сураатлар

ПАРЛАМЕНТДА

Биринчи ўқишда қабул қилинди

O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда атрофлича муҳокама қилдилар

Мажлисни фракция раҳбари Содиқжон Турдиев олиб борди.

Таъкидланганидек, биринчи ўқишга киририлган мазкур ҳуқуқий ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари бўйича вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш механизмини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Амалдаги тажрибада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва келгуси йилга мўлжалланган устувор вазифаларни белгилаш бўйича ҳисоботларини изчил кўриб чиқишнинг яхлит тизими яратилган. Ҳар йили январь ойининг иккинчи ўн кўнлигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси ўтказилади. Унда ўтган йил яқунлари бўйича ви-



лоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг фаолиятига муфассал баҳо берилади. Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим йўналишлари ҳам белгилаб олинади. Шундан сўнг мажлислар ҳар бир туман ва шаҳарларда ўтказилади.

Шакар нархи кўтарилмайди

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси йиғилишида маълум қилинди

Қўмита ахборот хизматининг хабар беришича, мамлакатимизда шакар ишлаб чиқарувчи икки йирик корхона — «Хоразм шакар» АЖ ҚҚ ва «Ангрен шакар» МЧЖ ХК вакиллари иштирок этган тadbирда республика бозорларида ушбу маҳсулотга қўйилган нарх бўйича олиб борилган мониторинг натижалари, хусусан, шу йилнинг 9 апрелидан 14 апрелига қадар шакарнинг бир килоси 4000 сўмгача кўтарилгани муҳокама қилинган. Ваҳоланки, йил бошидан апрель ойига қадар ушбу маҳсулотнинг чакана шохобчалардаги ўртача нархи 2900-3200 сўмни ташкил этаётганди.

Ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган маълумотларига кўра, жорий йилнинг

январь-апрель ойлари мобайнида шакар сотилишининг ўсиш суръатлари 2014 йилнинг худди шу даврига нисбатан 170 фоизни ташкил этган. Энг муҳими, «Хоразм шакар» ҳамда «Ангрен шакар» корхоналари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида истеъмолчиларга чекланмаган миқдорда шакар етказиб берилган.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, шакар чакана нархининг ошишига баъзи бир инсофсиз етказиб берувчилар «саъй-ҳаракати» билан пишиқчилик мавсуми арафасида сунъий тақчиллик юзага келтирилиши, шунингдек, 2014 йилнинг май-июнь ойларида шакар нархининг ошиб кетганини эсдан чиқармаган харидорларнинг бу йил

ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжни эртароқ ва меъёридан ортиқроқ миқдорда қондиришга ҳаракат қила бошлагани сабаб бўлган.

Шундан келиб чиққан ҳолда мажлис якунида «Хоразм шакар» ҳамда «Ангрен шакар» мутасаддилари чакана нархнинг ошиб кетишига йўл қўймаслик ва тақчилликни юзага келтирмаслик мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш баробарида жойларга ўз вақтида етказиб беришга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Таъкидлаш жоиз: кўрилган чоралар натижасида айна пайтда бозор ва дўконларда шакарнинг бир килоси барқарор равишда 2900-3200 сўмдан сотилмоқда.

Эзгу ташаббуслар эътирофи

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2015» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи юксак савияда ташкил этилиб, унда қатнашганларнинг энг муносиблари ғолибликни кўлга киритдилар

Бугунги кунда пойтахтимизда 50 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 650 таси танловда иштирок этиш истагини билдирди, — дейди Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Улугбек Абдуллаев. — 22 нафар пойтахтлик тadbirkor ва хунарманд эса шаҳар босқичда бахslashиш имкониятига эга бўлди.

Тadbир давомида намоиш этилган саноат ҳамда истеъмол товарлари, озиқ-овқат, машинасозлик маҳсулотлари, турли хилдаги хунармандлик буюмлари сифат жиҳатидан

хорижикидан қoлишмаслиги билан йиғилганлар эътиборини тортди.

— 2008 йилдан буён теридан гиламлар тайёрлаш билан шуғулланиб келамиз, — дейди танлов иштирокчиси, Олмазор туманидаги «Мираббос Саъдуллаев» МЧЖ раҳбари Мираббос Саъдуллаев. — Маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Жумладан, ўтган йили Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмағида Хитойда ўтказилган кўргазмада иштирок этганимизда намуна учун

олиб борган маҳсулотларимиз нуфузли экспертлар томонидан юқори баҳоланиб, шу ернинг ўзида сотилиб кетди. Бу эса биз, тadbirkorларга берилган эътиборнинг амалдаги натижасидир.

Шаҳар босқичи яқунларига кўра, Шайхонтоҳур туманидаги «Азия спорт-S» хусусий фирмаси раҳбари Саидхмд Камолов «Энг яхши тadbirkor», Чилонзор туманида фаолият кўрсатаётган хунарманд Равшан Норхўжаев эса «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича биринчи ўринни кўлга қиритиб, «Ташаббус-2015» кўрик-танловининг республика босқичига йўлланма олдилар.



Солитқ 30ИР олган сураат

Ёши улугларга катта эътибор

Давлатимиз раҳбарининг Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойиши ижроси доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари иштирокида турли маънавий-маърифий тadbirlar, авлодлар учрашувлари бўлиб ўтаётди. Пирู бадавлат отахон ва онахонларга самимий ҳурмат, меҳр-оқибат, мурувват сингари соф инсоний туйғуларга йўғрилган бундай мулоқотлар О'zLiDeP томонидан ҳам шаҳар ва қишлоқларда тизимли равишда ташкил этилмоқда. Масалан, кўни кеча О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши мутасаддилари пойтахтимизда истиқомат қилувчи Патхулла ота Нигматов хонадонидан бўлдилар. 30 невра ва 10 эваранинг босиб уруш давридаги азоб-уқубатларни эслар экан, бугунги дориламон кўнларга шукрона келтирди.

(Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан эълон қилинган мақолаларни газетамизнинг 4-саҳифасида ўқишингиз мумкин).

Ўзбекистон — бахтлилар мамлакати

Колумбия университети (АҚШ) олимлари томонидан эълон қилинган «Дунёнинг энг бахтлилари рўйхати» (World Happiness Report) да Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади

Эътиборлиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида анъанавий тарзда ўтказиладиган мазкур лойиҳада бу гал 158 та давлат қатнашган бўлиб, юртимиз МДХ мамлакатлари орасида 6, 003 балл билан энг яхши кўрсаткични қайд этди (2013 йилда эълон қилинган ҳисоботда Ўзбекистон 5,623 балл билан 60-погондан жой олганди). Хусусан, янги рейтингда Молдова 52, Қозоғистон 54, Литва 56, Беларусь 59, Россия 64, Туркменистон 70, Қирғизистон 77, Тожикистон 106, Украина 111, Грузия эса 130-ўридан жой олган.

Тadqiqotchilar ҳар бир иштирокчи давлатни аҳолининг ижтимоий ҳимояси, узоқ умр кўриши, ҳаётдан рози бўлиб яшашни таъминлаш учун яратилган шарт-шароитлар ва бошқа кўрсаткичларга асосланган ҳолда баҳолаган. Бу эса кейинги йилларда юртимизда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, жумладан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар, шунингдек, бандлик, хизмат кўрсатиш, янги уй-жойлар қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

Рейтингнинг юқори поғоналарини Швейцария (7,587 балл), Исландия (7,561), Дания (7,527) ва Норвегия (7,522) мамлакатлари эгаллаган бўлса, энг қуйида Сурия, Бурунди ва Того давлатлари жойлашган.

БУГУНГИ СОНДА:

КЕКСАЛАРНИ
ЭЪЗОЗЛАШ
ЙИЛИ

Фахрийлар
эъзозда

4



ҚУЙИ
БЎҒИНЛАРДА

Куч ва
имкониятлар
бирлашиши
салоҳиятимизни
тўла рўёбга
чиқаради

5



ЖАРАЁН
Дастурий
мақсадларга
ҳамоҳанг амалиёт

6



ҲАЁТ
ҲАҚИҚАТЛАРИ
Ер остидаги
мўъжиза

7



ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Биринчи ўқишда қабул қилинди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Ақбар МУЗАФФАРОВ, «XXI аsr»

— Албатта, 1992 йилдан бери ишлаб келаётган ушбу амалиёт ўзининг самарадорлигини кўрсатди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Раҳимжон Ҳакимов. — Ушбу қонун лойиҳасига киритилаётган қўшимча эса уни янада такомиллаштириш ва бойитишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Янги норма ҳоқимлар томонидан ҳисоботлар тақдим этилишида тақрорийликни истисно этиш ва ҳисоботларни тинглаш жараёнига мутасадди ташкилот вакилларини тақлиф этишни кўзда тутмоқда. Шу мақсадда қонунга алоҳида модда киритилаяпти. Хусусан, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мажлисларга парламент қуйи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Бош вазир ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари даражасидаги вакиллар, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига масъул бўлган органларнинг раҳбарлари тақлиф этилиши белгиланмоқда. Шунингдек, туман ва шаҳарлардаги эшитувларга юқоридагилардан ташқари вилоят ҳоқими ёки унинг ўринбосарлари тақлиф этилади. Таъкидлаш жоизки, бундай норманинг киритилаётгани маҳаллий ижроия ҳоқимияти органларининг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Мавжуд муаммолар кенг аудитория орқали ижобий ҳал этилади.

Ҳақиқатан ҳам, қонун лойиҳасига киритиш тақлиф этилаётган бу каби янгиланишларнинг мазмун-моҳияти мамлакатимизда давлат ҳоқимияти ва бошқарувни янада демократлаштириш, маҳаллий ижроия ҳоқимияти органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган мажлисда сўзга чиққан депутатлар масалага партия позицияси нуктаи назаридан ёндашдилар. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Гулшана Худоёрованинг таъкидлашича, партия давлат ҳоқимиятининг ижроия органларини шакллантиришда парламент ролини янада ошириш, жойлардаги ҳоқимият органлари фаолиятида шаффофлик ҳамда ошкоралик бўлиши тарафдоридир.

Йигилиш давомида кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Қашқадарё Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида O‘zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси томонидан «Ветеринария фаолиятини янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуида амалий мулоқот ўтказилди. Унда вилоят Иқтисодиёт, Адлия, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Молия, Ветеринария бошқармалари раҳбарлари, эксперт ва мутахассислар, тадбиркор ва фермерлар иштирок этдилар

Электорат экспертизаси

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI аsr»

O‘zLiDePнинг «Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Ветеринария тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси юзасидан фикр юритилди. Кун тартибидаги масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Рустам Қобилов, O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Мустафхон Султонов, вилоят Фермерлар кенгаши раиси Бахтиёр Сафаров ва бошқалар сўзга чиқишди.

— Ушбу қонун 1993 йилнинг 3 сентабрида қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади аҳолини турли касалликлардан ишончли ҳимоя қилиш, табиат билан ҳайвонот олами ўртасидаги мувозанатни сақлаш, ягона давлат ветеринария назоратини амалга ошириш ва ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этишга оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборат эди, — деди Рустам Қобилов. — Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар эса бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Амалдаги «Ветерина-



рия тўғрисида»ги қонунга шу нуктаи назардан ёндашадиган бўлсак, унинг бир қатор моддалари бугунги кун талабларига тўла жавоб бермаслиги аён бўлади. Жумладан, турли вазирлик ва идоралар билан ветеринария хизматининг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, соҳада қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни қатъий тартибга солиш, биологик чиқиндиларни йўқ қилиш ва зарарсизлантириш билан боғлиқ масалаларга тўла ойдинлик киритилмаган.

Тақлиф этилаётган янги қонун лойиҳаси шу асосда қайта тўлдирилиб, унга ветеринария хизмати барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган ўндан ортиқ янги модда киритилмоқда. Чорва ҳайвонларини парварিশлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда сақлашга оид асосий меъёrlардан ташқари ветеринария соҳасидаги асосий тушунчаларга аниқ таъриф берилмоқда.

Хусусий секторнинг келажагини эътиборга олиб, янги қонун лойиҳа-

ча моддалар билан тўлдирилмоқда.

Таъкидланганидек, янги тахрирдаги қонун лойиҳаси чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фермерлар ва истеъмолчиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Айни шу мақсаддан келиб чиқиб, мазкур ҳужжатга ветеринария-санитария талаблари ҳамда аҳоли пунктларида қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларини парварিশлаш билан боғлиқ бир қатор қоидаларни киритиш назарда тутилган. Бу эса O‘zLiDePнинг Сайловолди платформасида кўзда тутилган тадбиркорлик ҳаракати, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш, агросаноат тизимини диверсификациялашга оид долзарб вазифалар билан чамбарчас боғлиқдир.

— Лойиҳада озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат ветеринария назорати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш масалаларига аниқлик киритилганлиги аини мудоао, — деди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Убайдулла Усмонов. — Янги қонун лойиҳаси ана шу жиҳати билан ҳам муҳимдир. Хусусан, чорва эгаларининг мажбуриятлари ҳамда эпизоотик тадбирларни амалга оширишда давлат, идоравий ва хусусий ветеринария хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш соҳани янада ривожлантиришда аяқдан ёрдам беради.

Амалий мулоқот давомида билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятида албатта инобатга олиниши таъкидланди.

Акция ва акциядор

Фармон иқтисодиёт рақобатдошлигини янада оширишга хизмат қилади

ган ишлаб чиқариш объектлари ўз мақомига қай даражада мос фаолият юритиши, ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланиши, акциядорлик компаниялари талаб даражасида ишлаши учун яна қандай механизмларни ҳаракатга келтириш зарур, деган саволларга атрофлича жавоб берилган.

Президентимиз мамлакатни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мазкур масалага яна бир бор қайтиб, корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этишга жиддий эътибор қаратди.

Юртбошимизнинг узоқни кўзланган хулосаларида ҳатто донги кетган халқаро рейтингшуносларнинг кўрсаткичларида акс этмаган бир қатор долзарб масалалар ўз ифодасини топганлигини кўриб турибмиз. Айниқса, акциялаштириш жараёнини ривожлантириш кўламининг ўсиб бораётгани корпоратив бошқарув ва акциядорлик жамиятлари фаолиятдан тушадиган даромадларни тақсимлаш тизими ҳамда хусусийлаштиришнинг бошқа бир қатор йўналишларида ҳал этилмаган қўлаб муаммоларга таҳлилلى баҳо берилгани эътиборга сазовордир.

Ана шу таҳлиллардан келиб чиқиб, фармонда Германия ва бошқа ривожланган давлатларнинг муваффақиятли тажриба-си асосида Корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиш белгиланган. Халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда ушбу

ягона ҳужжатда корпоратив бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича тавсиялар, жумладан, узоқ муддатли истиқболда ривожланиш стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлик механизмларини белгилаш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг кўлами, тармоқ хусусиятлари ва йўналишларини инобатга олган ҳолда, намунавий ташкилӣ тузилмани жорий қилиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиклигини ошириш, улар томонидан халқаро стандартлар ҳоссида аудит ва молиявий ҳисобот ахборотини наشر қилиш белгилаб қўйилади.

Бу эса фракциямизга ушбу Кодексни илғор миллий ва халқаро тажрибадан келиб чиқиб қабул қилишда алоҳида масъулият юклайди.

Фармонда устувор этиб кўрсатилган йўналишларга эътибор қаратадиган бўлсак, чет эл капитали иштирок этган акциядорлик жамиятларини ташкил қилиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Унда қатнашаётган капитал эгаси — инвестор ўз маблагининг ҳимояланганлигини таъминлашга ва ўзининг манфаатлари учун ишлатишни истгани сайин, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардош, нафақат ички, балки ташқи бозорда харидор-гир бўлиши ва сотилишини хоҳлайди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, жаҳон бозорларида унинг рақобатдошлигини оширишнинг зарур шарти сифатида юрт иқтисодиётига шу йўл билан инвестицияларнинг жалб қилиниши ва моддий-техник, шу-

нингдек, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини янада оширади.

Кенг кўламли ислохотлар туфайли яхшиланадиган инвестицион муҳит нафақат марказ ёки саноат ҳудудлари, балки республикамизнинг барча минтақаларида инвестицион жозибдорликни ошириш бўйича бошланган хайрли ишларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб этишда ҳам кенг имкониятлар эшигини очади. Шунингдек, ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг иштироки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг улушини оширишга хизмат қилади.

Фармонда белгиланганидек, янги замонавий халқаро стандартларга мос лавозимларнинг жорий қилиниши шундай жамиятларда бошқарувнинг такомиллашувига олиб келиши билан бир қаторда унда ҳанузгача сақланиб қолаётган эски бюрократик тизимнинг қолдиқларини ўз-ўзидан бартараф этади. Шу жамиятда ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш, унинг камида 10-15 йил олдинни ўйлаб, маънавий жиҳатдан эскирмайдиган янги технологияларнинг кириб келишини таъминлайди. Пировардида маҳсулот таннархи пайсаиб, ички бозор талабларининг каттагина қисми қопланади.

Элбек ШУКУРОВ, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси: — Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ислохотларни, дастурларни ҳаётга татбиқ этиш, биринчи навбатда, кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Фармонда акциядорлик жамиятларини бошқаришда миллий таълим муассасаларимизда таҳсил олаётган ёшлар билан бир қаторда умумий акциядорлик манфаатлари йўлида хорижий

Бозор қийматида олдиндан тўлиқ қопланади

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар бир давлатда хусусий мулк билан боғлиқ муносабатлар мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришда асосий омиллардан ҳисобланади. Демак, аввало хусусий мулкнинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини тeран англаб олиш керак



Раҳимжон ҲАКИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Шу нуктаи назардан қараганда, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган «Хусусий мулк ҳуқуқи янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжат Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик, Фуқаролик, Ер, Уй-жой, Солиқ кодексдари, «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинчилигини кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда хусусий мулк давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда улар тўла ҳажмда бозор қийматига қопланиши ёки тенг қийматли молк-мулк берилиши кафолатланишига доир қоидалар орқали ифодаланаётир.

Мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг хусусий мулк билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларига мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод қилиниши назарда тутилмоқда.

етақчи таълим муассасалари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлашнинг янги тизимлари жорий этилиши белгиланган.

Германия ҳамда бошқа иқтисодий ривожланган давлатларнинг етақчи таълим муассасаларини жалб этган ҳолда тугатиладиган Олий бизнес мактаби негизида Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказини ташкил этиш, унинг зиммасига корпоратив бошқарувнинг ташкилий шакллари ва замонавий услубларини жорий қилишни методик таъминлаш, шунингдек, халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ ушбу соҳада бошқарув ходимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малякасини ошириш вазифасини юқлаш белгиланган.

Фармонда етақчи хорижий компанияларда бошқарувни ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилган акциядорлик жамиятларини намунавий ташкилий тузилмаси белгилаб берилган. Унда эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлима ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш назарда тутилган.

Фармоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири — акциядорлик жамиятининг стратегик бошқаришнинг янги дастаклари, яъни «тортиб турувчи» механизмлар ишлай бошлашида. Бунда миноритарийларнинг манфаатлари билан уйғун қарорлар қабул қилиш учун ҳуқуқий асос ва улар манфаатлари бузилишининг олдини олувчи «назорат чегаралари» вужудга келади. Натижада барча акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бир хилда таъминланиши учун етарли замин яратилади.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

65 миллион сўм ёнга қолди

Бир муддат аввал «Косон дон маҳсулотлари қабул қилиш» масъулияти чекланган жамиятининг «Ғузор ун» филиалида донни қайта ишлаш жараёнида олинган иккиламчи маҳсулот – дон чиқиндиси ҳажми йилга ўртача 1700 тоннани ташкил этади, аммо уни шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришга йўналтириш имкони йўқ эди. Филиал қошида омикхта ем ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиши билан ортиқча қаражатларга чек қўйилди.

— 412 миллион сўмлик маблағ ҳисобига омухта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди филиал раҳбари Боймурад Бердиев. — Натижада бир йилда ўртача 65 миллион сўмни тежаш имкониятига эга бўлдик. Маҳсулот таннарихи ҳам пасайди. Қўшимча 10 та иш ўрни яратилди.

Этиборли жиҳати, мазкур истиқболли лойиҳа Президентимизнинг 2013 йил 2 августдаги «2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг sanoат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган режалар асосида амалга оширилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмаган бўлса-да, ишлаб чиқаришда сезиларли ўсишга эришилди. Мисол учун, 2014 йилнинг ўзида 3 минг 600 тоннадан зиёд чорва озуқаси ишлаб чиқарилди. — Айни пайтда суткасига 25 тонна маҳсулот тайёрляпмиз, — дейди цех бошлиғи Кенжа Қурбонов. — Тайёр маҳсулотни шартнома асосида тумандаги насликлик ҳўжаликлари ва фермерларга етказиб бераяпмиз.

Ўз мухбиримиз.

Тежаган терга тушмас

Миллий матбуот марказида Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги «2013–2017 йиллар даврида сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди

Мусурмон РЎЗИЕВ, «XXI asr»

Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиғи бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А.Фозилов, Сув ресурслари баланси ва сувни тежайдиган технологияларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ш.Қўчоровнинг сўзларига кўра, бугунги кунда дунёнинг кўпгина қисмида, қолаверса, минтақамизда сув ресурсларига бўлган талаб йил сайин ортаётир. Масалан, 2000 йилгача кам сувли мавсум ҳар 6-8 йилда бир марта кузатилган бўлса, охириги йилларда бу жараён ҳар 3-4 йилда такрорланмоқда.

Мамлакатимиздаги сув ресурсларининг 80 фоиздан ортиғи Қўрғизистон ва Тожикистон ҳудудларидаги қорлар ва музликлар ҳисобига шаклланади. Ушбу давлатларнинг сув ресурсларини бир томонлама бошқариши оқибатида эса сунъий сув танқислиги вужудга келиб, вазият янада мураккаблашмоқда.

Ушбу ҳолатлардан тегишли ҳулоса чиқарган ҳолда, республикамизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида сўғориладиган майдонлардан олинадиган ҳосил микдорини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Сувни тежашнинг бир қанча турлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Жумладан, ҳар йили 5 минг км.дан ортиқ сўғориш, 12 минг км. коллектор-дренаж, 50 минг км. ариқ тармоқлари тозаланаётган бўлса, 200 км. дан ортиқ каналлар, 30 км. лоток ва 500 км. коллектор тармоқлари, 400 дан ортиқ гидротехник иншоот ва бошқа кўпгина объектлар реконструкция қилинмоқда.

Шу билан бирга ағар соҳадаги ди-версификация жараёни ҳам сув тежа-лишга ижобий таъсир кўрсатимоқда.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr»

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги O`zLiDeP де-путатлик гуруҳларининг назорат функцияларини амалга оши-ришда партия органлари ва де-пу-татлар ҳамкорлигининг самарали усулларига бағишланган ана шун-дай семинарларнинг дастлабкиси Тошкент давлат аграр универси-тетида бўлиб ўтди. Унда халқ де-путатлари Тошкент шаҳри ва ви-лояти кенгашларига O`zLiDePдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, БПТлар етакчилари, тадбиркор ва фермерлар ишти-рок этишди.

— Ҳар бир сиёсий партиянинг сайловлардан кейинги ишининг асосий юки давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган депутатлар, яъни партия фракци-яси ҳамда депутатлик гуруҳлари зиммасига тушади, — деди се-минар ишига муваффақият тилар экан O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содикжон Турдиев. — Бу жиҳат, биринчидан, парламентда шакллантирилган



фракциямизнинг қонун ижодкор-лиғи фаолиятида намоеён бўлса, иккинчидан, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳла-рининг электорат манфаатлари йўлидаги депутатлик назоратини қанчалик самарали ташкил эти-шида яққол акс этади.

Бир сўз билан айтганда, ўтган

сайловларда миллионлаб одам-лар билдирган ишончни оқлаш учун барча имкониятларни са-фарбар этиш O`zLiDeP олдида турган энг муҳим, таъбир жоиз бўлса, ҳал қилувчи масала ҳисо-бланади. Зеро, навбатдаги сай-ловларга тайёргарлик сиз билан биз ғолиб чиққан сайловнинг эр-тасигаёқ бошланганини, модоми-ки, кундалик фаолиятимизда ижо-бий натижани таъминлаш галдағи ютуқларимизга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилишини теран ан-глашимиз зарур. Демак, халқ де-путатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига O`zLiDePдан сай-ланган депутатларнинг электорат манфаатларини ифода этадиган қонунлар ижросини назорат қи-лиш бўйича фаолиятини принци-пиал жиҳатдан қайта қўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳозирда 14 та ҳудуд, 182 та туман ва шаҳар кенгашларидаги партия де-пу-татлик гуруҳларининг 2015 йил-га мўлжалланган режалари тас-диқланган. Уларга киритилган вазифаларни бажаришда назо-рат-таҳлил фаолияти, ижро ҳоки-мияти идораларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тиришнинг энг муҳим масалала-ри ечимига доир ҳисоботларни эшитиш, сўров билан мурожаат қилиш ва зарур ахборотларни олиш каби депутатлик назорати институтларидан самарали фой-даланиш талаб этилади.

Семинарда алоҳида таъки-дланганидек, халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи 26 на-фар депутатдан иборат бўлиб, бу ҳудудлар ичида энг юқори кўрсат-кичдир. Ушбу вилоятдаги маҳал-лий кенгашларда партиянинг яна 206 нафар депутати борлигини инобатга оладиган бўлсақ, мазкур ҳудудда назорат функцияларини амалга оширишда O`zLiDeP катта

салоҳиятга эга эканлиғи ойдин-лашади. Мулоқот иштирокчила-ри ана шу имкониятдан оқилона фойдаланишнинг мақбул меха-низмини жорий этиш масалалари ҳусусида сўз юритдилар.

Семинар давомида муҳим ма-салалар юзасидан маърузалар тинглаш баробарида шўъбаларга бўлинган ҳолда амалий машғу-лотлар ҳам ўтказилди. Уларда назорат фаолиятини амалга оши-ришда партия органлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Эътиборли то-мони шундаки, бу жараёнга Олий Мажлис Қонунчилик палатасида-ғи O`zLiDeP фракцияси аъзолари,

ВИЛОЯТДАГИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА ПАРТИЯНИНГ ЯНА 206 НАФАР ДЕПУТАТИ БОРЛИГINI ИНОБАТГА ОЛАДИГАН БЎЛСАҚ, МАЗКУР ҲУДУДДА НАЗОРАТ ФУНКЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА O`ZLIDEP КАТТА САЛОҲИЯТГА ЭГА ЭКАНЛИГИ ОЙДИНЛАШАДИ. МУЛОҚОТ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНА ШУ ИМКОНИЯТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАҚБУЛ МЕХАНИЗМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ҲУСУСИДА СЎЗ ЮРИТДИЛАР.

соҳанинг етук амалиётчилари ҳам жалб этилди.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, партиядан сайланган депутатлар кечагидан кўра кўпроқ ишлаш, ҳозиргидан-да юқори на-тижаларга эришиши шарт. Бугун-ги шиддаткор замонда сиёсий куч сифатида етакчи мавқени ушлаб қолишнинг бошқа иложи ҳам, чо-раси ҳам йўқ.

Партия ҳаётига доир энг ки-чик масалалардан тортиб то қо-нун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишгача бўлган жа-раёнларда БПТлар, маҳаллий кенгашлардаги партия де-пу-тат-лий кенгашларда партиянинг яна 206 нафар депутати борлигини инобатга оладиган бўлсақ, мазкур ҳудудда назорат функцияларини амалга оширишда O`zLiDeP катта

тўла-тўқис бажариш мушкул ке-лачи. Депутатлик назорати ва қо-нун ижодкорлигида мана шундай механизмдан фойдаланиш энди-ги фаолиятимизнинг ўзак-негизи-ни ташкил этгандагина дастурий мақсадларни талаб даражасида амалга ошириш мумкин.

Жорий этилаётган партиявий назорат механизмининг моҳия-ти шундан иборатки, халқ де-пу-татлари маҳаллий кенгашларига O`zLiDePдан сайланган ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудудда амалга оширилиши кўзда тутил-ган лойиҳалар ижросини назорат қилиш учун бириктирилиб, иш-нинг бориши ҳақида депутатлик гуруҳлари йиғилишларида ҳисо-

бот беради. — Электорат манфаатлари-ни ҳимоялаш, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, улар ўртасида шаклланган муносабатларни яна-да мустаҳкамлаш ва янги босқичга кўтариш партиямиз фаолларининг кундалик устувор вазифасига ай-ланиш даркор, — дейди O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Фай-зиев. — Депутатларнинг ўзлари бириктирилган лойиҳалар ижроси устидан самарали назорат олиб боришга энкас партиявий масъу-лият билан ёндашишини таъмин-лаш ва ушбу жараённинг таъсир-чанлигини ошириш ҳам ҳамиша диққат марказимизда бўлади.

Фаол ва таъсирчан де-пу-тат-лик назорати деганда, электорат манфаатларини ифода этадиган дитларини бериш» маса-лаларнид қизгин фикр ал-машилди. — Бугунги семинарда интенсив боғ яратиш бўйи-ча ҳам назарий, ҳам амалий кўникмаларга эга бўлдик, — дейди «Дурдона» кўп тармоқли фермер ҳўжалиғи раҳбари Замира Нуралие-ва. — Биз ҳам 5 гектар ерда интенсив боғ барпо қилган эдик. Аммо ниҳолларга шакл бериш, ўсув новда-синчи қанча ўлчамда, ён шохларини қандай кесиш бўйича етарли тушунчамиз йўқ эди. Шу маънода ушбу тадбир айни мудиоа бўлди.

— Анжуманда O`zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаол-лиғи, жамиятдаги ўрни ва мевқенин ошириш бўли-мининг фермер ва деҳқон ҳўжалиқларини ривожлан-тириш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини ша-кллантиришни ҳар томон-лама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисо-дий ва сиёсий саводхонли-ғи, фаоллигини оширишга қаратилган «Фермер аёл-лар» лойиҳаси бўйича олиб борилаётган ишларга юқо-ри баҳо берилиди, — дейди «Акмалжон Матмусаев» кўп тармоқли фермер ҳў-жалиғи раҳбари Ёъзозхон Матмусаева. — Партиямиз ташаббуси билан бу каби семинарлар мунтазам ўтқа-зи турилади, деган умид-даман.

Семинарда, шунинг-дек, соҳага замонавий мини-технологияларни жорий этиш, қишлоқ ҳў-жалиғи маҳсулотларини экспорт қилиш масала-лари юзасидан амалий таклифлар ҳам ишлаб чиқилди.

қонунлар ҳамда Президент фар-монлари талабларининг жойлар-даги ижро ҳоқимияти идоралари томонидан бажарилиши борасида-ғи масъулиятни ошириш масаласи назарда тутилимоқда. Шундай экан, депутатлик гуруҳлари олиб борган



назорат-таҳлил фаолияти, ўтказил-ган эшитув ва юборилган сўровлар яқунлари маҳаллий кенгашлар сес-сиялари кун тартибига киритили-шига эришиш пировард мақсаддир. Тадбиркор ва фермерлар айни пайтда ўз соҳасининг амалиётчи-лари эканини ҳисобга олиб, улар-нинг манфаатлари ва ҳуқуқларига дахлдор қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасида фаол иштирок эти-шини таъминлаш ҳам долзарб ва-зифалардан бири саналади.

Семинарнинг иккинчи қисми-да, юқорида қайд этганимиздек, шўъбаларга бўлинган ҳолда та-вол-жавоб ва баҳс-мунозара таш-кил этилди. Маҳаллий кенгашлар депутатларининг ана шу мулоқо-тлардаги мулоҳазаларини тинглар эканмиз, улар ҳусусий мулк йўли-даги говларни бартараф этиш, ор-тиқча бюрократик тўсиқларни йўқ қилиш, тадбиркорликнинг жадал ривожланишига ҳалақит бераётган ва уларнинг эркинлигини чеклаёт-ган муаммоларни доимий равишда ўрганиб бориш масаласида партия фаоллари бошқалардан бир қадам олдинда юриши кераклигини ан-глашсаётганини ҳис қилдик.

— Жорий йилда ёшлар ва аёл-лар йўналишида олиб бораётган

«Тинчлик дарси»га марҳамат!

9 май — Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан юртимизнинг барча умумтаълим мактабларида «Тинчлик дарси» ўтказиладиган бўлди. Халқ таълими вазирлиғи ахборот хизматининг хабар беришича, ўқувчиларга осийишталикни сақлаш учун жонини қурбон қилганларни ҳамиша ёдда тутиш, тинчлик нақадар буюк неъмат эканини тушунириш мақсадида ташкил этиладиган мазкур дарсларга Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар, маҳалла фаоллари ва жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилади.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларида эса нуроний отахонлар онахонлар учун ёш истеъдоғ эгалари ижросида концерт дастурлари намойиш этилади.

Санага бағишланган маркалар

2015 йилнинг 22 апрелида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиғи томонидан Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган почта маркалари муомалага киритилди.

Мазкур туркум иккита почта маркаси ва битта купондан иборат занжир кўринишида «Ўзбекистон почтаси» АЖ томонидан тайёрланган бўлиб, уларда пойтахтининг Мустақиллик майдонида жойлашган «Мотамсаро она» ҳайкали ҳамда ёш авлод вакиллариинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини тантанали табриклаш жараёни тасвирланган.

Занжирнинг купон қисмида эса мангулик олови, «9-май — Xotira va qadrlash kuni» ёзуви ҳамда фашизмга қарши курашда вафот этган қаҳрамонларимизнинг номи битилган рамзий китоб акс эттирилган.

Ўн минг нусxada, офсет усулида чоп этилган маркалар дизайнини У.Юсупалиев тайёрлаган.

Антиқа боғ

Ғузор туманидаги Афғонбоғ қишлоғи аҳли Мадамин Хушвақтовни мўъжазгина иссиқхонасида мандарин ва киви каби ўзга юрт меваларини етиштирган тажрибали боғбон сифатида танийди.

— Мандарин шу йилдан ҳосил бера бошлади, — дейди М.Хушвақтов. — Бу ўсимлиқни маҳаллий иклимга мослаштириш жараёнини илмий асосда олиб бораёямиз. Киви — сувни ҳуш кўради. Шунинг учун ҳам бизнинг муҳитга ўргатиш осон кечмади. Яқинда эккан бананимизнинг бўйи ҳам чўзилиб қолди.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиғи ахборот хизматининг хабар беришича, ўз иссиқхонасида Арабистон хурмоси, асосан субтропик минтақада ўсадиган дафна ўсимлигини парваришлаган боғбон келажанда улар қаторига тоғ лоласини ҳам қўшишни режалаштирмоқда. «Қисқаси, иштиёқ бўлса, боғингизда хоҳлаган ўсимлигингизни кўкартиришингиз мумкин», дейди у.

Ш.ХўЖАЕВ.

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ

Фарғона вилоятининг кўҳна ва навқирон шаҳарларидан бири — Қўқонди латифда бугун 234 мингдан зиёд киши истиқомат қилмоқда. Уларнинг 25907 нафарини нафақа ёшидаги отахон ва онахонлар ташкил этади

Аҳроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI asr»

Шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулчехра Усмонованинг таъкидлашича, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ҳудудий дастур ишлаб чиқилган. 6 бўлим, 70 банддан иборат ушбу дастурда кексаларга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ

ри (фарзандлари, набиралари) га молия муассасаларидан 250 млн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳудудий дастурда ёши улуғ инсонлар учун маҳаллаларда замонавий қулайликлар яратиш масаласи ҳам назардан четда қолмаган. Ўтган давр мобайнида Ёшларобод кўчасида «Отахонлар маркази» ташкил этилиб, чойхона ва сартарошхона фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, «Нуронийлар боғи»да кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 250 туп мевали ва

ҳудудий дастурда ёши улуғ инсонлар учун маҳаллаларда замонавий қулайликлар яратиш масаласи ҳам назардан четда қолмаган. Ўтган давр мобайнида ёшларобод кўчасида «ОТАХОНЛАР МАРКАЗИ» ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ЧОЙХОНА ВА САРТАРОШХОНА ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ. ШУНИНГДЕК, «НУРОНИЙЛАР БОҒИ»ДА КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ. 250 ТУП МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ ҚЎЧАТЛАР ЎТҚАЗИЛДИ. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЧОРАГИ ДАВОМИДА УШБУ МАСКАНДА НУРОНИЙЛАР УЧУН 20 ЎРНИЛИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА ДАМ ОЛИШ МАРКАЗИ БАРПО ЭТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

кенг қамровли вазифалар ўрин олган.

Жумладан, кексаларга ма-лакали тиббий хизмат кўрсатиш, уларни тизимли асосда соғломлаштириш доимий эътиборда бўлади. Бунинг учун мавжуд 34 та тиббиёт муас-сасасида барча шарт-шароит муҳайё. Ҳозиргача шаҳар кўп тармоқли поликлиникасида невролог, оториноларинголог, офтальмологлар иштироки-да уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, ёлғиз қариялар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, керакли дори-дармонлар билан таъминланди. Шунингдек, шаҳар кўз касалликлари шифохо-наси ва «Ўржуза» клиникаси томонидан котаракта, глауко-ма хасталигига чалинган 128 нафар отахон ва онахонларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилди. Улардан 10 нафари махсус эшитиш мос-ламаси, 6 нафари замонавий аравачалар билан таъминлан-ди. 27 нафар меҳнат фахрийси эса Чимён, Косонсой, Товоқ-сой санаторияларида ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тикладилар.

Шаҳар ҳокимлиги ташаб-буси билан 60 нафар кекса Тошкент ва Самарқанд бўйлаб саёҳат қилиш, қадимий осо-ри-атикалар билан танишиш имкониятига эга бўлди. Ҳуду-дий дастурга мувофиқ, «Нуро-ний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қизил ярим ой» жамияти ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилот-ларининг саъй-ҳаракати билан кейинги уч ой давомида ёлғиз ва ногирон кексаларга қа-рийб 4 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, уларнинг табдир-корлик фаолияти билан шуғул-ланиш истагида бўлган яқинла-

манзарали кўчатлар ўтқазил-ди. Жорий йилнинг иккинчи чораги давомида ушбу маскан-да нуронийлар учун 20 ўринли соғломлаштириш ва дам олиш маркази барпо этиш режа-лаштирилган.

Айни пайтда шаҳарда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийла-ридан 267 нафари истиқомат қилмоқда. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс табдирлар ишлаб чиқилган. Чунончи, Иккинчи жаҳон уруши қат-нашчилари ва уларга тен-глаштирилганларга маҳаллий ва шаҳарлараро кўнғироқлар учун бепул лимит ажратилди. Якка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг дардига маънавий ёрдам бериш, хонадон юмуш-ларини енгиллатиш мақсадида «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенга-шининг академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртидаги бошланғич таш-килотлари ҳамкорлигида «Ну-ронийлар эъзозимизда» патро-наж ҳаракати ташкил этилди.

— Биз, кексаларга кўрсати-лаётган эътибор, ғамхўрлик учун аввало Президентимизга ташак-кур айтамиз, — дейди шаҳарнинг Гулистон кўчасида истиқомат қилувчи 100 ёшли онахон Гул-сора Бобохонова. — Яхшилик ва эътиборнинг умри боқийдир. Юртимиздан тинчлик-тотувлик, тўкин-сочинлик аримасин. Ёшла-римиз ота-боболари бошлаган хайрли ишларни давом эттириб, Ватанимизнинг янада гуллаб-яш-наши йўлида ҳормай-толмай хиз-мат қилаверсин.

Дарҳақиқат, бугун Қўқоннинг қай бир ёши улуғи билан суҳ-батлашманг, келажакка бўлган ишонч ва дахлдорлик туйғуси-ни ҳис этасиз. Зеро, кексалари улуғланган юртнинг йўли ой-дин, эртаси порлоқдир.



Солиҳ ЗОИР олган сурат

Фахрийлар эъзозда

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номлангани ёши улуғ инсонларга ғамхўрлик қилиш борасидаги ишларини янада кучайтиришда муҳим омил бўляпти.

Марғилон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ушбу соҳада кўп йиллар хизмат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган фахрийларга муносиб бўлишда бошқаларга ибрат кўрсатишмоқда. Бошқарма мутасаддилари «Янги боғ» тантаналар мажмуасида ташкил этилган табдирга маъмур идорада узоқ йиллар хизмат қилган отахон ва онахонларни тақлиф этгани ҳам фикримиз далилдир. Учрашувни Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Шухрат Раҳимов очиб, халқимиз азалдан ёши улуғ инсонларни эъзозлаб келиши, уларни ҳурмат қилиб, ҳолидан хабар олиши миллий қадриятларимизнинг бир бўлағи эканлигини таъкидлади. Марғилон шаҳар ҳокими Шавкат Эркабоев эса кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар хусусида тўхтади. Фахрийлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, ёш ходимларни хизмат бурчига, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишларида камарбаста эканликларини эътироф этдилар. Шундан сўнг дастурхонга ош тортилиб, маҳаллий санъаткорлар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди. Отахон ва онахонлар рақсга тушди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

Эзгуликнинг умри боқий

... Шўро ҳукмронлиги авжига чиққан йиллар. Колхозлаштириш сиёсатининг салбий оқибатлари ҳар қадамда кўзга ташланади. Рўзгордан, турмушдан барака кетган. Одамлар бир ҳовуч дон-дун топиб, қора қозонини қайнатиш, қорин тўйдириш ташвиши билан банд. Каримхон ўшанда айнаи кучга тўлган, қирчиллама йигит эди

Ўз мухбиримиз

— Фарғонадаги ўқитувчилар тайёрлаш институтига кирмоқ-чиман, — деди у кунлардан бир кунни отасига.

— Шундоқ алғов-далғов за-монда ўқишга нима бор? — эъти-роз билдирди Мақсудхон ака. — Қолаверса, Поп билан Фарғона ораси анча узоқ, поезд станция-сига чиқиш учун бир неча чақи-рим масофани яёв босиб ўтишга тўғри келади. От-уловимизни колхоз олиб қўйган бўлса...

Хуллас, ота дастлаб рўйхуш-лик бермади. Аммо ўғлидаги қатъият ва ўзига бўлган ишон-чи сезиб, фотиҳага қўл очди. Каримхон 1935 йилда ўзбек тили ва адабиёти мутахассиси сифатида дастлабки иш фео-лиятини бошлади. У пайтлар-да транспорт воситалари кам, ёш муаллим тошлоқ йўлда гоҳ от-арава, гоҳ пиёда йўл босиб, Қўқон яқинидаги (ҳозирги Ўзбе-кистон тумани ҳудудидаги) Беко-бод қишлоқ мактабига борарди. Мактаб қанақа денг, эгаси қулоқ сифатида сургун қилинган бир

хонадоннинг ҳовлиси. Қишлоқ фаоллари ёрдамда “мактаб” эпакага келтирилди, стол-стул-лар билан таъминланди. Бу орада Иккинчи жаҳон уруши бо-шланиб қолди. Каримхон Мақсу-дов ҳарбий комиссариатга ариза билан чиқди. «Сиз каби мута-хассислар шу ерда ҳам керак. Юқоридан махсус кўрсатма бор. Ишингизга қайтинг», дейишди. Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади. Қўллаб тенгдошлари қатори Ка-римхон ҳам урушга сафарбар этилди. Белоруссия, Украинани озод қилишда фаол қатнашди. Жангларнинг бирда оёғидан яраланди. Ҳарбий госпиталда даволангач, яна жанггоҳга қай-тиб, Берлин остонасигача борди.

— У кунларни эслашнинг ўзи оғир, — дейди поплик 105 ёшли Каримхон ҳожи Мақсу-дов. — Қишлоқда эркак зоти икки бармоқ билан санарли, асосий масъулият хотин-халажу бола-лар зиммасида қолган, номинг ўчкур уруш эл-юртни саросима-га солиб қўйган эди. Ўзим ҳам уйга кириб борганимда яқинла-рим ҳайратдан донг қотишган.

Номимга «қора хат» келганли-гини кейин билдим. Ўшанда бунга ўхшаш ҳолатлар жуда кўп бўлган.

К.Мақсудов урушдан сўнг жамоа ҳўжалигини оёққа қўй-иш, халқ таълимини ривожлан-тириш, қишлоқ турмуш мада-ниятини юксалтириш йўлида сидқидилдан хизмат қилди. Бу орада турмуш ўртоғи билан етти нафар фарзандни тарби-ялаб, эл қаторига қўшилди. Ҳо-зир уларнинг барчаси ўз йўлини топиб олган. Жумладан, иккин-чи ўғли Тоҳирхон узоқ йиллар давомида тумандаги «Ўзбеки-стон ўрамли том ёпқич ашёлари комбинати»га раҳбарлик қилди. Ҳозир нафақада. Одилхон эса табдиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Қизлардан икки нафари ота изидан бориб, ўқитувчиликни танлашди. Икки нафари эса шифокор. Замо-на шарофати билан Каримхон ота бугун 30 нафар невара, 70 нафар эвара, беш нафар чева-ра ардоғида қариллик гаштини сурмоқда. Маориф соҳасидаги ўқитувчи-шоғирдлаларининг

сони юздан ошади.

— Ўсимда, шўро замонида одамлар пишиқ гиштдан уй со-лишга ҳам чўчиб туришарди. Шахсий машинага эга бўлиш эса энг катта орзу эди. Шўкр, бугун ҳаммаси бошқача. Ис-тиқлол шарофати билан ўзли-гимизга қайтдик. Шаҳарни қўя турайлик, энг чекка қишлоқлар-да ҳам намунавий лойиҳалар асосида бир-биридан кўркам, замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда. Бугун юртимизда ишлаб чиқарилаётган машина-ларнинг ранг-баранглигини ай-тмайсизми! Бозорларимизнинг тўкинлигига-ку гап йўқ. Шундай ёруғ кунларга етказганига шўкр. Айниқса, 2015 йилнинг Кекса-ларни эъзозлаш йили деб эъ-лон қилиниши кўнглимизни тоғ-дек кўтарди. Ҳали «Маҳалла», ҳали «Нуроний» жамғармаси-дан вакиллар келиб, ҳолимиз-дан хабар олиб туришибди.

— Бу ҳалол меҳнатнинг чин маънодаги эътирофи. Ҳалол-лик барчаннинг йўлдошига ай-лансин, — дейди Каримхон ота Мақсудов.

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

— ҚИШЛОҚДА ЭРКАК ЗОТИ БАРМОҚ БИЛАН САНАРЛИ, АСОСИЙ МАСЪУЛИЯТ ХОТИН-ХАЛАЖУ БОЛАЛАР ЗИММАСИДА ҚОЛГАН, НОМИНГ ЎЧКУР УРУШ ЭЛ-ЮРТНИ САРОСИМАГА СОЛИБ ҚЎЙГАН ЭДИ. ЎЗИМ ҲАМ УЙГА КИРИБ БОРганимда ЯҚИНЛАРИМ ҲАЙРАТДАН ДОНГ ҚОТИШГАН. НОМИМГА «ҚОРА ХАТ» КЕЛГАНЛИгини КЕЙИН БИЛДИМ. Ўшанда БУНГА ЎХШАШ ҲОЛАТЛАР ЖУДА КўП БўЛГАН.

Ҳамиша дуодаман

— дейди Бухоро шаҳрида истиқомат қилаётган 107 ёшли меҳнат фахрийси Муҳаррам момо Каримова

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

Вилоятда ҳозирги пайт-да жами 161 нафар Иккин-чи жаҳон уруши қатнашчи-си, 2852 нафар фронрти фахрийси умргузаронлик қил-моқда.

Президентимизнинг 2015 йил 19 февралда қабул қилин-ган «Ўзбекистон Республика-си фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини «Ик-кинчи жаҳон урушидаги Ғала-банинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан муко-фотлаш тўғрисида»ги ҳамда 2015 йил 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатна-шчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонлари ҳеч шубҳасиз бугунги кунда оила-ларимиз файзи ва кўрки, пиру бадавлат нуроний сифатида ўсиб келаётган ёш авлод учун

мardлик ва жасорат, ирода ва матонатнинг жонли тимсолига айланган отахон ва онахонла-римиз қалбини тўлқинланти-риб юборгани айнаи ҳақиқат-дир. Давлатимиз раҳбарининг кунни кеча матбуотда эълон қилинган «Кексаларни ижти-моий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-табдирлар тўғрисида»ги фармони эса 100 ёшга тўлган ва ундан ошган шахсларга му-носиб эътибор қаратиш, шу-нингдек, пенсионерлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қи-лиш ва моддий қўллаб-қувват-лашни кучайтириш мақсади-да амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар белгилаб берилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумотларга кўра, ви-лоятда бугун 50 нафар 100 ёшдан ошган нуроний қариллик

гаштини сурмоқда. Ромитан-лик 125 ёшли Ражаб момо Саломова, шофирконлик 116 ёшли Мангит ая Жумаева, шунингдек, 115 ёшни қарши-лаган вобкентлик Тўхта буви Ҳожиева, Тош ая Ҳамроева, ёғжудовонлик Райхон момо Дилова, қорақўллик Рўзигул Холназарова, пешкулик Ро-бия Султонова ва жондорлик Зухро Жумаева шулар жумла-сидандир.

— Бухоро шаҳрида яшай-ман, — дейди 107 ёшли меҳнат фахрийси Муҳар-рам момо Каримова. — Умр йўлдошим Муҳаммадали ота (охиратлари обод бўлсин) билан бирга саккиз нафар ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказган пайтлар урушнинг энг оғир йиллари ҳамда ундан кейинги қийинчиликлар билан кечган машаққатли даврга тўғри келганди. Бир бурда нон топишнинг азоб-ўқибатини ўшанда бошдан кечирганимиз.

Бухоро пойабзал фабрикаси-да ишлаганимда ҳам, бошқа бир қатор қорхона-ташкилот-ларда турли юмушларни ба-жарганимда ҳам ҳеч қачон но-лимаганман. Бўш пайт топдим дегунча сўзана, чимилдиқлар тикардим. Тўй-ҳашамлар учун ҳатто гулоб тайёрлаган пайт-ларим ҳам бўлган. Демокчи-манки, узоқ умр кўришнинг сири айнан шунда — одамлар ва эл-юрт учун зарур экан-лигинини ҳис этиб яшашда бўлса керак. Тўнғич қизим Фо-тихон бу йил 74 ёшга кир-ди. Барча фарзандларимдан мингдан минг розиман. Омон бўлишин, ишилиб. Катта келиним Ҳамрожон билан не-вара келиним Нафисахонни айтмайсизми, йилнинг тўрт энг оғир йиллари ҳамда ундан кейинги қийинчиликлар билан кечган машаққатли даврга тўғри келганди. Бир бурда нон топишнинг азоб-ўқибатини ўшанда бошдан кечирганимиз

фармонига кўра шу йилнинг 1 май кунидан бошлаб 100 ёшга тўлган ва ундан ошган мен сингари кексалар пенсиясига устама тўланадиган бўлибди. Етказганига шўкур. Бундан ортиқ ғамхўрлик бўладими, ахир?! Ҳа, бу кунларга етган-лар бор, етмаганлар бор. Шу боис қўлларим ҳамиша ду-ода. Юртбошимиз ва халқи-миз ҳамиша омон бўлсин, дейман. Парвардигорнинг ўзи барчамизни ёмон кўзлар-дан асрасин. Мамлакатимиз тинч-осойишта ва обод бўлиб бораверсин.

Муҳаррам момонинг сўз-ларини тинглар экансиз, ёши улуғ юртдошларимиз доимий эъзозда келажаги буюк Вата-нимизнинг бугуни ҳам, эрта-си ҳам янада порлоқ эканига қайта-қайта ишонч ҳосил қи-ласиз. Кекса отахон ва она-хонларимизнинг эзгулик ва яхшиликка йўғрилган дуолари эса албатта ижобат бўлади.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

«XXI ASR» 18 (598)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

«Баҳор сайли» — БПТ ташаббуси

Қоровулбозор туманида ўз атрофига 224 нафар O`zLiDeP аъзосини бирлаштирган 22 та БПТ фаолият кўрсатмоқда. Улар партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга баҳоли қудрат ҳисса қўшаптилар. Чунончи, 10-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бошланғич ташкилот иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, Нарзибек Шарипов етакчилигидаги ушбу куйи бўғинининг ибратли фаолияти тилга тушди. Жумладан, таянч тузилма фаоллари «Чўлқувар» МФЙ ҳудудда яшовчилар, ўқув муассасалари талабалари, корхона ва ташкилотларининг ишчи-хизматчилари билан тез-тез мулоқотга киришиб, O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида кўзда тутилган асосий мақсад ва вазифалар юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришаяпти. Бунда дастурдаги «... болаларда, айниқса, қизларда жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш партиянинг устувор вазифалари қаторида қолмоқда. Партия «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш тарафдори» деган сўзларга БПТ томонидан алоҳида урғу берилатди. Мухими, фаоллар партиямизнинг сўзи билан ишн бир сиёсий куч эклигинини амалий ишларда намоён этмоқдалар. Чунончи, яқинда спорт мактабида туман кенгаши депутатлари, ҳамкор ташкилотлар ва мазкур БПТ фаоллари сэйъ-ҳаракати билан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирокда ташкил этилган «Баҳор сайли» спорт мусобакалари барчага манзур бўлди. Болажонларнинг қизқарли ўйинлар, кимўзар баҳсларидаги чаққонликларини ҳакамлар ҳайъати баҳоладилар. Кичкинтойлар томонидан асфальтга эркин мавзуда расмлар чизиб мусобақаси ҳам кўпчилиқда қизқиқиш уйғотди.

Биринчи ўринни «Зумрад» мактабгача тарбия муассасаси эгаллади. «Қуёшча» ва «Пахтаой» МТМлари 2-ўринга, «Қалдирғоч», «Булбулча» ва «Бойчечак» боғчалари эса 3-ўринга лойиқ топилди. Жажжи иштирокчиларга ташкилотчилар эсдалик совғалари топширишди. Фурқат ЧОРИЕВ, O`zLiDeP Қоровулбозор туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

Маслакдошимиз навбатдаги босқичга ўтди

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунарамандлар ўртасида анъанавий кўрик-танлов — «Ташаббус-2015»нинг Поп туман босқичи ўтказилди. Унда 50 нафардан зиёд фермер, тадбиркор ва хунараманд ўзларининг сара махсулотлари билан қатнашдилар. 10 турдаги тикувчилик маҳсулотларини намойиш қилган O`zLiDeP аъзоси Исмоилхўжа Исроилов танловнинг «Энг яхши хунараманд» йўналишида голиб чиқиб, вилоят босқичига йўлланма олди.

Оқсоқоллар даъвати

«Қариялар — хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси» мавзуидаги туркум тадбирларнинг навбатдагиси Қонликўл туманидаги «Асел Лаззет» хусусий корхонаси бошланғич партия ташкилотида ташкил этилди. Унда партия туман ташкилоти ходимлари, депутатлар, БПТ раислари ва МФЙлар вакиллари иштирок этишди

Сўзга чиққанлар қайд этганидек, халқимиз пиру бадавлат отахон ва онахон-ларни ҳамиша эъзозлайди. Дуогўйлар истиқомат қилувчи хонадонларни фариштали уй, деб улуглайди. Шу билан бирга бугун турли жабҳаларда эришаётган муваффақиятларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг ҳам беқиёс ҳиссаси борлиги, улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, уларнинг огирини енгил, умрларини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим.

Давра суҳбатида мазкур йўналишда ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилаётганлиги хусусида ҳам сўз юритилди. Чунончи, шу йилнинг ўзида давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортқ пенсия, 105 миллиард сўм-

дан зиёд турли нафақалар тўланди. «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган Президент фармонига асосан кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, йилда бир марта санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволанишлари учун тегишли шарт-шароит яратилмоқда.

Тадбирда БПТлар бевосита аҳоли орасида иш юритувчи партия тузилмалари сифатида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросига муносиб ҳисса қўишлари зарурлиги, бу борада ҳам янги янги ташаббуслар марказига айланишлари кераклиги таъкидланиб, қуйи тузилмалар етакчиларига йўл-йўриқлар



берилди.

Эътиборлиси, мулоқотда «Жана жап» овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 91 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Ўразбай Наметул-

лаев ҳам сўз олди ва бугунги дориламон кунларга осонликча эришилмагани тўғрисида гапириб, тўпланганларни фаровонлигимиз қадрига етиш, мустақиллигимизни,

тинчлигимизни кўз қорачигидай асрашга астойдил даъват эди.

O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати.

Куч ва имкониятлар бирлашиши салоҳиятимизни тўла рўёбга чиқаради

Халқимизда «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», деган ҳикмат бор. Партиямизнинг «Биргалиқда биз кучмиз!» шиори асрлар тажрибасини ўзида жамлаган ана шу мақолга Ҳамоҳангдир

Муҳтарам Юртбошимиз O`zLiDePнинг VII Съезидидаги «Бизнинг мақсадимиз — эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш» номили маърузасида истиқлол туфайли мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган туб ислохотларга атрофлича тўхталиб, мамлакатимиз тарихан қисқа даврда пойдевори мустақам, давр талабига тўла жавоб берадиган замонавий давлатга айланиб бораётгани ва бу борада юртдошларимизнинг дунёқараши, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани ҳал қилувчи омиллардан бири бўлаётганини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам бунга амин бўлиш учун пахта якаҳақоқимлиги асосида бир томонлама ривожланган ўтмишдаги республика иқтисодиёти билан, саноати ва салоҳияти жадал суръатлар билан ўсиб бораётган, дунё ҳамжамиятида ўз нуфузига эга оозод ва обод бугунги Ўзбекистонимизни таққослашнинг ўзи кифоя.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда

амалга оширилаётган туб ислохотларда партиямиз ва унинг қуйи бўғинлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Бу жараёнда сиёсий кучнинг тарбия қилиш мақсадида халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз аъзоларини партия шаҳар, туман кенгашларига, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларини эса БПТларга бириктириш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Вилоят Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, тижорат банклари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Навоий филиали сингари ҳамкор ташкилотлар билан ўзаро шартномалар имзоплаиб, қўшма тадбирлар режалари тузилди ва амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларида партиянинг қуйи тузилмалари фаолиятини шакллантиришга эътибор қаратилди. O`zLiDeP шаҳар ва туман кенгашлари ишини баҳолашда ўтказилган тадбирлар сони эмас, балки унинг самарадорлигига алоҳида диққат қаратиш жорий этилди.

Қисқаси, партиянинг таянч нукталари — бошланғич ташкилотлар билан изчил иш олиб бориш, улар орқали аҳоли кенг қатламлари ичига бевоcита кириб бориш бош йўналиш қилиб белгилангани туфайли 2015 йил биринчи чорағи якунида таянч бўғинларимиз сони 511 тага, партия аъзолари эса 17 минг 660 нафарга етди. Сафдошларимизнинг салкам 4 минг нафари тадбиркорлик, фермерлик, ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари, 7081 нафари аёллардан иборат. Аъзоларнинг 60 фоиздан зиёдини 35 ёшгача бўлган навқирон авлод вакиллари ташкил этаётгани ҳам эътиборга молик. Аҳоли ўртасида O`zLiDeP ғоя ва мақсадларини кенг тушунтириб бериш, партия нуфузи ошишида жонбозлик кўрсатаётган сенаторлар Қувондиқ Саноқулов, Исомиддин Ўроқов, халқ депутатлари вилоят ва Навоий шаҳар кенгашлари депутати Незъматулла Асатов, Шавқиддин Жамолов, шаҳар кенгаши депутатлари Алишер Мирзаев, Хусен Амонов, за-рафшонлик партиямиз вакил-

лари Акбар Авизов, Баҳодир Бозоров, шунингдек, профессор Холбой Ибрагимов, шифокор Фазлиддин Усмонов каби партия фаолларининг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, вилоятда юзлаб йирик саноат корхонаси, минглаб тадбиркорлик субъекти ва фермер хўжалиги фаолият юритаёпти. Уларнинг аксарияти билан бевосита ва билвосита танишиш жараёнида ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилдик. Бу эса ишга янада жиддийроқ масъулият билан ёндашишимиз, эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмаслигимиз кераклигини англатади. Зеро, фақатгина бетиним изланиш, қатъият ва ташаббускорлик билан O`zLiDeP салоҳиятини тўлароқ рўёбга чиқариш, реал натижаларга эришиш мумкин.

Рашид МУҲАММЕДОВ, O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши раисининг биринчи уринбосари.

«ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИГИ, ТАШАББУСКОРЛИГИ, ЎЗ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ҒОЯ ВА ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЭВАЗИГА ШАҲСИЙ, ОИЛАВИЙ ҲАМДА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИГА ИНТИЛУВЧИ БАРЧА ФУҚАРОЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ».

O`ZLIDEP ДАСТУРИДАН.

«Нафақат банклардаги, балки...»

20 нафар аъзони бирлаштирган АТ «Қишлоқ қурилиш банк» Учқўрғон тумани филиалидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотида тадбиркорликка иштиёқи баянда аёлларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда партия туман бўлими мутасаддилари, партиямиздан сайланган депутатлар, БПТ фаоллари ва тадбиркорлик билан шугулланиш истағидаги 25 нафар хотин-қиз иштирок этди. Мутахассислар тингловчиларга бизнес-режа тузиш, бошланғич сармоя киритиш, солиқ тўловлари ва турли ҳисоботлар тўғрисида тушунчалар беришди, саволларга жавоб қайтаришди.

— Аёлларнинг хусусий бизнес юритиш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, кредит билан таъминланишига қўмаклашиш нафақат банклардаги, балки барча ташкилотлардаги БПТларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши керак, — дейди қуйи бўғин етакчиси Равшанбек Отахонов. — Бунда таянч тузилмалар ва депутатлик гуруҳи ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг аҳамияти катта. Ушотирган мулоқотимизда касб-ҳунар эгаллаган, лекин тадбиркорликни йўлга қўйиш учун бошланғич сармоядан, назарий-ҳуқуқий билимлар етишмаслигидан қийналаётган айрим опа-сингилларимизга ёрдамлашишга келишиб олдик.

БПТ аъзоси Дилнозахон Бобоеванинг айтишича, тадбир қатнашчиларига опа-сингилларимиз тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган партиявий лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар берилди. Йиғилганлар туманимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аёлларни тадбиркорликка жалб этиш, қишлоқларда оилавий корхоналар очиш борасида қўллаб тақилфлар билдирдилар.

А.МУСУРМОНОВ.

Долзарб масалалар ечими изланди

Ғаллаорол туманидаги Ғўбдин ҚФЙ бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан «Худудда тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришдаги муаммолар, айрим бюрократик тўсиқ ва камчиликлар: уларни бартараф этиш йўллари» мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда O`zLiDeP туман ташкилоти, Фермерлар кенгаши, тижорат банклари филиаллари масъул ходимлари, БПТлар раислари иштирок этиб, ўз фикр-муҳоазалари, тақлифлари билан ўртоқлашдилар. Мулоқотда таъкидланганидек, Ғаллаорол вилоятнинг тез ривожланаётган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Туман маркази ва унга яқин жойлардаги қишлоқларда тадбиркор ва ишбилармонлар сэйъ-ҳаракати билан барпо этилган қўллаб савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият юритмоқда. Бироқ эҳтиёж катта бўлишига қарамай, чекка жойлардаги баъзи қишлоқларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти бугунги давр талаблари даражасида эмас.

— Юртбошимиз O`zLiDeP VII Съезидидаги маърузасида хусусий тадбиркорлик йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришни устувор вазифалардан бири сифатида қайд этди, — деди ўз сўзида партия туман кенгаши раиси ўринбосари Нарғиза Намозбоева. — Бинобарин, ушбу масалада айнан шу қишлоқларда истиқомат қилаётган сафдошларимиз, хусусан, қуйи бўғинлар фаоллари ҳам ташаббус билан чиқишлари лозим. Тадбир якунида билдирилган тақлиф ва тавсиялар умулштирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Марказ» фаоллари эътиборидаги масала

Кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда кичик корхоналар сони тобора кўпайяпти. Бу жараён иқтисодиётнинг динамики, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозиржавоб, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишни таъминлайди. Шунга мувофиқ Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар корхоналари билан рақобатбардошлик даражаси кўтарилишида энг муҳим омиллардан бири кичик корхоналар фаолиятини мустаҳкамлашга имкон берувчи қулай шарт-шароит яратиш орқали бозор муносабатларида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришдан иборат. Партия тузилмалари эса мазкур жараёнларга дахлдорлигини янада кучайтиришлари, тадбиркорлар мурожаатлари бўйича ишларни янада жонлантиришлари, тегишли қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик назорати амалга оширилишига қўмаклашувлари лозим. Балиқчи туманидаги «Марказ» МФЙ ҳудудидаги бошланғич ташкилотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари тараққиётига бағишланган давра суҳбатида ана шундай муҳим фикрлар билдирилди. Туман кенгаши мутасаддилари, депутатлар, БПТлар етакчилари кун тартибига қўйилган масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, тегишли қарорлар қабул қилишди.

Б.ИСРОИЛОВ.

ДИҚҚАТ! «ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Устави ҳамда Дастурида белгиланган вазифаларни тарғиб қилиш, партия раҳбар органларининг қарор ва фармоишларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда алоҳида намуна кўрсатган бошланғич партия ташкилотларини рағбатлантириш, жойлардаги қуйи бўғинлар фаолияти самарадорлигини ошириш, сифат жиҳатдан яхшилаш, шунингдек, намунали БПТларни кўпайтириш ҳамда соҳадаги илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси бошланғич партия ташкилотлари ўртасида уч босқичдан иборат «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди, кўрик-танловнинг низоми ишлаб чиқилди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партия ҳудудий, туман ва шаҳар ташкилотлари ҳамда «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси танловнинг асосий ташкилотчиларидир. Мазкур тадбирни юқори савияда ўтказиш мақсадида партия кенгашлари ижроия қўмиталари қошида ҳакамлар ҳайъатлари тузилмоқда. Ҳайъат ишчи гуруҳлари томонидан тасвия этилган БПТларни белгиланган мезонлар ва номинациялар бўйича баҳолайди, танлов голибларини аниқлайди ва навбатдаги босқичда иштирок этишлари учун йўлланма беради.

Танлов иштирокчилари — БПТларга бериладиган баллар куйидаги мезонлар асосида аниқланади: 1. БПТ томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшилган амалий ҳисса ва электротат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича илгари сурилган асосли тақлифлар. 2. Партиямиздан сайланган барча погоналардаги депутатлар билан бугунги кун талаблари даражасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги тўғрисидаги ахборотлар. 3. БПТ ташаббуси билан ўтказилган турли тадбирларнинг фото ва видеолавҳалари, турли танлов, анжуман ва бошқалардаги иштироки учун берилган диплом, сертификат каби ҳужжатларнинг нусхалари. 4. БПТ ҳақида ОАВда эълон қилинган мақолалар нусхалари. 5. «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасига 2015 йил	учун обуна маълумотномаси. 6. Аҳолини партия сафарига жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар. 7. Партия аъзолари шахсий ҳужжатлари йиғма жилдларининг шакллантирилганлиги ва аъзолик ғувоҳномалари билан таъминланганлиги. Шунингдек, аъзолик бадалли тушулмларининг ҳолати акс этган маълумотлар. 8. БПТ хонасининг партиявий имимида жиҳозланиши ва ахборот стендлари бўйича фотолавҳалар. 9. Ҳисобот даврида партия Устави ва Дастури талаблари, партиянинг юқори органлари томонидан белгиланган вазифалар намунали даражада амалга оширилганлиги хусусидаги маълумотлар. 10. БПТнинг ҳудудларда амалга оширилаётган партиявий лойиҳаларни ташкил қилиш ва уларнинг ижросига қўшган ҳиссаси.	Танловнинг қўшимча номинациялари куйидагилардан иборат: — «Энг кўп аъзоларни бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти»; — «Энг кўп аъзолик бадали туширган бошланғич партия ташкилоти»; — «Худуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими борасида депутатлик гуруҳлари билан фаол иш олиб борган бошланғич партия ташкилоти»; — «Сиёсий таълим маркази ўқувлари ва партиявий тадбирларда энг фаол иштирок этган бошланғич партия ташкилоти»; — «Тадбиркорлар ва мулкдорлар синфини шакллантириш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда фаол иштирок этган бошланғич партия ташкилоти»; — «Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеени ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ташаббускор бошланғич партия ташкилоти»; — «Партия ғояларини чуқур англаган, етакчилик ва нотиклик хусусиятига эга бўлган БПТ раиси»; — «Бошланғич партия ташкилотлари орасида энг ёши улур БПТ раиси».	етилганлигининг 12 йиллиги муносабати билан 1-15 ноябрь кунлари аниқланади. Конституциямизнинг 23 йиллиги нишонланганидан аввал — 3-5 декабрда танловнинг якуний — республика босқичи бўлиб ўтади. Танлов голиблари партиянинг I, II, III даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар: — III ўрин учун ютутбўқ; — II ўрин учун «Samsung» LED телевизори; — I ўрин учун энг замонавий моноблок ва планшет. Танлов Низомининг 8-бандида кўрсатилган қўшимча номинациялар бўйича голиблар партиянинг махсус дипломлари ҳамда «Artele» планшетлари билан мукофотланадилар. Танловга марҳамат!
---	---	--	--

Танловнинг туман ва шаҳар босқичлари мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида, 2015 йлнинг 1-30 август кунлари оралгида ўтказилди.

Худудий босқичлар голиблари эса O`zLiDeP ташкил

ЖАРАЁН

Янгиободда янги станция

Поп туманида мамлакатимиздаги дастлабки тажриба — қуёш фотоэлектр станциясини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди. Наманган вилояти ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, тантанали тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда энергиянинг арзон, истиқболли, қайта тикланадиган ва энг муҳими, экологик нуқтаи назардан хавфсиз, муқобил манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини эътироф этиб, бугунги кунда юртимизнинг бир қатор илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва илмий-тадқиқот муассасаларига қайта тикланадиган электр манбалари устида изланишлар олиб бориш учун кенг имкониятлар яратилаётгани, иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари қатори муқобил энергия манбаларини яратиш бўйича хорижий давлатлар, хусусан, Жакубий Корея компаниялари билан ўрнатилган ҳамкорлик ўз самарасини бераётганини маълум қилдилар. — Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланиб, кўлами кенгайиб борапти, — деди ўз сўзида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Жонг Те Юн. — Ўйлайманки, мазкур станция электр қуввати ишлаб чиқаришдан ташқари, энергетика соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг тамал тоши сифатида бу борадаги лойиҳаларни кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш жоиз: тумanning Янгиобод қишлоғида қурилган қуёш фотоэлектр станцияси Корея Республикаси Савдо-саноат ва энергетика вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ўртасида Наманган вилоятида энг илгор технологияларни қўллаган ҳолда қуввати 130 кВт бўлган тажриба қуёш фотоэлектрр станциясини қуриш бўйича имзоланган меморандумга мувофиқ барпо этилди. Замонавий электр станциясининг қурилиш ва монтаж ишлари «Ўзбекэнерго» ДАК ҳамда корейлик мутахассислар иштирокида «Электрқишлоққурилиш» акциядорлик жамиятининг 11-жамланмаси бош пудратчилигида амалга оширилди. Умумий қиймати 700 минг АҚШ долларига тенг лойиҳа бўйича 0,3 гектардан зиёд майдонни эгаллаган станцияга Корея Фотоэлектр саноати уюшмасига кирувчи «Hanhwa», «JSPV», «S-Energy» ва «TopSun» номли тўртта компаниянинг беш турдаги усуналари ўрнатилди. 492 та фотоэлементи панелъ ва улар тўплаган қуёш энергиясини электр токига айлантириб, тўплаб, узатувчи замонавий техник қурилмалардан иборат янги энергия манбаи ҳар куни 500-600 кВт соат электр бериш қувватига эга. Шинамгина қурилган техник хизмат кўрсатиш ва назорат олиб бориш станцияси фаолияти компьютерлаштирилган тизим орқали бошқарилиб, назорат қилиб боришмоқда. — Станцияда 2014 йилнинг декабрь ойда синов-қузатув ишлари йўлга қўйилган эди, — дейди Наманган ҳудудий юқори кучлиниш тармоқлари муҳандиси Шермирза Аскарлов. — Ўтган вақт мобайнида қуёш энергияси ёрдамида 23 минг кВт электр энергияси ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Шу ўринда бу каби лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатимизда қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган янги тадқиқотларни ўтказишда фойдаланиладиган зарур маълумотларни тўплашда ҳам қўл келишини айтиб ўтиш лозим. Тантанали маросимда қуёш фотоэлектр станциясини барпо этишда иштирок этган корейлик ҳамкорларга «Ўзбекэнерго» компанияси ва вилоят ҳокимлигининг эсдалик совгалари топширилди. Ш.ХУЖАЕВ тайёрлади.

ОʻzLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими йигит-қизларни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига кенг жалб қилиш, депутатлик гуруҳлари йиғилишларида ёшлар муаммолари билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқиш, партия тизимидаги етакчилар сафини кенгайтиришга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2014 йил мобайнида шу мақсадда 200 га яқин тадбир ўтказилиб, улар орқали 8 минг нафар ёш камраб олинган бўлса, жорий йил биринчи чорагининг ўзида мазкур кўрсаткичлар мувофиқ равишда 125 та ҳамда 11 минг нафарни ташкил этди

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРГА ҲАМОҲАНГ АМАЛИЁТ

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

Масалан, яқинда қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида Фермерлар кенгаши, Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Тадбиркорлик ва фермерлик ривожини — фаровон ва бахтли ҳаёт барпо этишининг муҳим шартини» номли ёшлар форуми, унинг доирасида «Лойиҳаларимиз: ёшларга, тадбиркорларга ва ҳар бир коллеж битирувчисига» мавзuida давра суҳбатлари ўтказилди. Айниқса, «Шўртангазкимё» мажмуасида бўлиб ўтган «Истиқлол берган имкониятлар» мавзuidaги маънавий-маърифий тадбир кўпчилида катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда Қашқадарёда ОʻzLiDeP томонидан уюштирилаётган кўрик-танловлар ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Мисол учун, ўтган йили «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг туман ва шаҳар босқичларида 800 нафар битирувчидан 150 нафари сараланиб, элиқдан ортигининг бизнес лойиҳалари молиялаштирилди. Жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчилари — Гулбаҳор Чухмарова ва Ирода Саломова олинган кредит эвазига

дарахт кўчати етиштиришни йўлга қўйган бўлса, Фаррух Боймуродов паррандачилик, Мухлиса Аъзамова тикувчилик, Моҳинур Файзуллаева эса қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошладилар. Дилдора Чориева иссиқхона ташкил этиб, сабзавот ва цитрус мевалар етиштиришни йўлга қўйди.

— Мен ҳам мазкур лойиҳада қатнашдим, — дейди миришкорлик Гулҳаё Раҳматова. — Қарши педагогика коллежида таҳсил олсам-да, паррандачиликка қизиқганим учун партия кўмагида тижорат банкидан 5 млн. сўм кредит олиб, бройлер товуқларини боқишни йўлга қўя олдим.

Эътиборлиси, ўтган даврда Ёшлар билан ишлаш бўлимига турли масалаларда муурожаат этган беш нафар йигит-қизнинг аризалари ўрганилиб, барчасини ижобий ҳал этилди. Хусусан, «Шоҳнон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шоҳруҳ Бозоровга ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун замонавий технология келтириш, Косон туман «Ширин дунё» МЧЖ раиси Жаҳонгир Боймуродовга қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нишонлик ёш тадбиркор Маъруфжон Ғуломовга балиқчиликни йўлга қўйиш учун кредит олишда амалий ёрдам берилди. Шаҳрисабзлик Фирдавс Абдуға-



ниевга хонадонидида иссиқхона учун табиий газ, гузорлик Умида Шерматовага эса тикувчилик цехи учун электр таъминотини яхшилашда кўмаклашилди.

— Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, аҳоли ҳаёт даражасининг ортиши кўп жиҳатдан фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга боғлиқ, — дейди ОʻzLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш

бўлими мудири Баҳодир Юсупов. — Партиямиз Сайловолди дастурида мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, ишбилармонлар учун зарур инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашишни устувор вазифа сифатида белгилаб олган. Шундан келиб чиққан ҳолда жорий йилда бўлимимиз

бизнес-режа тузиш, гаров таъминоти, касаначилик ва якка тартибдаги тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар ҳақида батафсил тушунтиришлар бериляпти. Янги-янги ташаббус билан чиқаётган ёшларни қўриб, лойиҳаларимиз уларда катта қизиқиш уйғотаётганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Биргина ўтган йили вилоятда 50 та бизнес-ре-

— Зеро, ўз иссиқхонасига эга бўлган ёшлар помидор, бодринг, лимон ва гул етиштириб, миллионерга айланишапти. Асосийси, бу маҳсулотларга талаб жуда катта. Мен ҳам яқинда шу соҳага қўл урдим. Севимли машғулотиمنى бошлашим учун молиявий кўмак олишда қийналмадим. «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови ҳар йили Қашқа-

Ватан тараққиёти, юрт равнақида катта ҳисса қўшган инсонлар ҳар доим эл эътиборида бўладилар. ОʻzLiDeP аъзоси, халқ депутатлари Жомбой туман кенгаши депутати, қатор йиллардан буён таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган Гулнора Аҳмедова ана шундай замондошларимиздан биридир. У аини пайтда Жомбой иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига раҳбарлик қилиш баробарида партиявий ишда ҳам сафдошларимизга ўрнак бўлаяпти

Одамлар бизга ишонаяпти. Гап ана шунда...

Дилноза НОМОЗОВА, «XXI asr»

2005 йилда «Шўхрат» медали, ўтган йилда эса «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган депутат сифатида сайловчилар билан тиллашиш, улар қалбига қулоқ тутиб, муаммоларни ҳал этишга вақт топапти. Масалан, айнан унинг саъй-ҳаракатлари билан 2012-

Аёлнинг оила, жамият ҳаётида фаол бўлиши, аввало, унинг замонавий дунёқарashi, таъкилотчилик салоҳиятига боғлиқдир. Бундай сифатлар эса Гулнора Аҳмедованинг асосий хислатлари ҳисобланади.

Шу боис у масъул вазифада ишлашга қарамай, партиявий тадбирларда фаол иштирок этибгина қолмай, ушбу йиғилишларга ўзи бош-қош бўлишга

этилган туркум тадбирларнинг мазмунли ўтишига катта ҳисса қўшди.

Жойларда «Ёш оилалар: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари», «Спиртли ичимликларнинг зарарли оқибатлари ва алкоголизм», «Эрта ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ва уларни бартараф этиш йўллари» каби мавзуларда ўтказилаётган тадбирларда қатнашди. Ҳам тажрибали педагог, ҳам ибратли оила бекаси сифатида ўз нуқтаи назари, ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, замонавий ўзбек аёлининг жамият ва шахсий ҳаётидаги ўрни ҳақида қизиқарли чиқишлар қилди. Бундай мисолларни партия фаоли ҳаётидан яна кўплаб келтириш мумкин.

— ОʻzLiDeP — амалий ишлар партияси, — дейди Гулнора опа. — Ўтган ўн йил мобайнида ўз ғояларининг нечоғли ҳаётий эканини амалда исботлади. Масалан, биргина Жомбой туман партия кенгаши ҳамда жойлардаги бошланғич таъкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишларни жамласангиз, уларга оид рақамларнинг ўзи битта моқолага сиймайди. Лекин гап бунда ҳам эмас. Камчиликларимиз ҳам бор, албатта. Энг муҳими, қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказилган сайловларда етакчилик мавқеимизни сақлаб қолдик. Демак, одамлар бизга ишонапти. Гап ана шунда...

ЛЕКИН ГАП БУНДА ЭМАС. КАМЧИЛИКЛАРИМИЗ ҲАМ БОР, АЛБАТТА. ЭНГ МУҲИМИ, ҚЎЛ ҚОВУШТИРИБ ЎТИРГАНИМИЗ ЙЎҚ. ШУ БОИС ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАРДА ЕТАКЧИЛИК МАВҚЕИМИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛДИК. ДЕМАК, ОДАМЛАР БИЗГА ИШОНЯПТИ. ГАП АНА ШУНДА...

2013 йилларда Самарқанддан — Шерқўргон, Қўлбости ва Назоҳон қишлоқларига автобус қатнови йўлга қўйилди.

— Партиямиз вазифалари кенг қамровли бўлиб, ишбилармон ва тадбиркорлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш орқали турмуш фаровонлигига эришиш унинг асосини ташкил этади, — дейди Гулнора Аҳмедова. — Шу боис аҳоли орасида кўпроқ бўлиш, маҳаллалар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, аёлларни иш билан таъминлаш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш доимий диққат эътиборимизда.

улгураяпти. Мисол учун, Г.Аҳмедова ОʻzLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтган йили ўтказилган 145 та ўқув-семинар, учрашув ва давра суҳбатларининг кўпчилигида маърузалари билан иштирок этди. Жомбой туманида «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳалари доирасида ташкил

Катталарга — йўлланма, ёшларга — сертификат

Навоий шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан прокуратура ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. — Тадбирда 142 та давлат корхонаси ҳамда йирик тадбиркорлик субъекти 332 та бўш иш ўрни билан иштирок этди, — дейди марказ директори ўринбосари Отабек Турдиназаров. — Ярмаркага келган 300 нафар фуқаронинг 157 нафарида доимий ишлаш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар топширилди. Тақдир олганларнинг 71 нафари хотин-қиз эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тадбир доирасида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшлар ўз бизнес-ғоялари тақдимотини ўтказдилар. Уларнинг энг муносибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Мансур АСЛОНОВ.

Маҳорат сабоқлари

Соғлиқни сақлаш тизими ҳодимларининг касбий маҳоратини янада ошириш, аҳолига иxtисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳридан ташриф буюрган малакали мутахассислар томонидан Шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиалида маҳорат дарслари ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош токсикологи, профессор Рустам Акалаев, Республика Нейрохирургия илмий маркази директори ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Марат Мирзабоев каби мутахассислар иштирокида ўтказилган сабоқларда шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бўлимларида фаолият олиб бораётган шифокор ҳамда ҳамширалар иштирок этди. Мазкур тадбир доирасида 35 нафар бемор тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 2 нафари нейрохирурглар томонидан операция қилинган бўлса, 6 нафарига Республика Нейрохирургия илмий маркази йўлланмалари топширилди. Маҳорат сабоқларида нейрохирургиянинг долзарб масалалари, хусусан, ўткир заҳарланишда шифохонагача бўлган даврда тиббий ёрдам кўрсатишининг замонавий усуллари, соҳага оид янгиликлар, илгор тажрибалар хусусида фикрлар алмашилди. — Пойтахтдан ташриф буюрган етук мутахассислар томонидан маҳаллий шифокорлар учун маҳорат дарсларининг ташкил этилиши биз учун катта имконият. Олган билимларимиз келгуси фаолиятимизда фойда беришига ишончим комил, — дейди Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Элвира Зокирова.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

ФВВ маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ахборот хизматининг хабар беришича, жорий йилнинг 6 апрелида Сурхондарё вилояти, Узун туманидаги Хонжиза қишлоғи яқинида (0,8 км. узоклиқда), Харкуш сойининг юқори қисмидаги адирликда 500 минг куб метр тупроқнинг сурилиши оқибатида кўчки юзага келган. Қунига 20-40 метр тезликда ҳаракатланган кўчидан маҳаллий аҳоли жабр кўрмаслиги учун мазкур адирлиқнинг куйи қисмида яшовчи 307 та хўжалик бошқа жойларга кўчирилган. Хусусан, вилоят ҳокими қарорига мувофиқ, 127 та хўжаликка доимий яшаш учун Денов туманидаги Себзор маҳалласидан 8 сотихдан ер ажратилган. Вақтинча кўчирилган аҳолини эса хавф тўлиқ бартараф этилганидан сўнг ўз уйларида қайтариш режалаштирилган. Айни вақтда ФВВнинг тегишли тузилмалари томонидан хавфсиз ҳудудга кўчирилган аҳолига бепул озик-овқат, тиббий ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатилляпти. Ўз навбатида, ушбу ҳудудда аҳолининг хавфсиз қатновини таъминлайдиган янги айланма йўл қурилган, шунингдек, кўчки оқибатида Хурсанд дарёсининг тошиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида дарё қирғоқлари мустаҳкамланиб, сув оқимини эркин ўтказиб юборадиган қузурлар ўрнатилганини айтиб ўтиш жоиз.

дарёда юзлаб янги-янги истеъдодларни кашф этаётир. Танловнинг ўтган йилги шаҳар ва туман босқичларида 500 га яқин йигит-қиз иштирок этган бўлса, Қарши шаҳрида ўтказилган вилоят босқичида улар орасидан саралаб олинган 40 нафар талаба иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий билимларидан ташқари тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, хунармандлик сингари ўнлаб турдаги касб-хунар ўргатувчи тўғрақларда ўзлари тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмасини ҳам намойиш этишди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга хизмат қилаётир. Қашқадарёда ҳам ёшлар қалбида, онгу шуурида миллий ифтихор, эртанги кунга ишонч, буюк келажақ сари дадил одимлаш учун имконият ва ўзлиқни намоён этиш майдони шакллантириляпти. Бинобарин, юртининг қамолти, элнинг бахти ёшларнинг интилиши, ақлу заковати, билим ва малакасига боғлиқ. Барча саъй-ҳаракатлар ана шу эзгу мақсадларни рўбга чиқаришга йўналтирилмоқда.

Бўлажак офицерлар қандай танланади?

Мудофаа вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлов ўтказиш тартиби ва қабул қилиш қоидалари» мавзuida матбуот анжумани ташкил этилди. Унда таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлов ўтказиш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш истагидаги жисмонан бакувват, билими ва маънавий тайёргарликка эга ёшларни танлаш тартиби янада такомиллаштирилди. — Мудофаа ишлари бўлим ва бошқармалари томонидан индивидуал-психологик хусусиятлари ва жисмоний тайёргарлиги ҳарбий иxtисослик талабларига жавоб берадиган, мустаҳкам маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга номзодларнинг ҳужжатлари олий ҳарбий таълим муассасаларига юборилади, — деди тадбирда Ташкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети бўлим бошлиғи, подполковник Наврўз Сувонов. — Абитурентларнинг ҳужжатлари белгиланган тартибда ўрганилиб чиқилади. Қолаверса, уларнинг психофизиологик ҳолати, ахборот-коммуникация технологияларини қай даражада эгаллаганини текширилиб, яқна тартибда якуний суҳбатдан ўтказилади. Мазкур синовлар талабларига жавоб бера олган йигитларгина тест топширади. Тадбир сўнггида вазирлик бошқармалари ва бўлимларининг масъул ҳодимлари журналистлар саволларига батафсил жавоб қайтардилар. Фахриддин НУРАЛИЕВ.

СЎНГГИ САҲИФА

Ҳамма ўқиши шарт эмас

Швейцариялик шифокорлар 2500 нафар инсоннинг бурини ўлчаб кўриб, шундай хулосага келишдики, у ёшга қараб ўсиб бораркан. Масалан, 80-90 ёшли эркак кишининг бурни 30 ёшлиникига қараганда тахминан бир сантиметр узунроқ бўлар экан. 30 ёшли эркаклар бурнининг узунлиги ўртача 5,8, аёлларники эса 5,1 сантиметргга тенг бўлади.

Монако князлиги миллий оркестри қатнашчиларининг сони шу давлат армиясидаги аскарлар сонидан кўп.

Франциялик актриса Сара Бернар 13 ёшли Жульетта образини ўйнаганида 70 га кирганди.

Шекспир ва Сервантес бир кунда — 1616 йилнинг 23 апрелида оламдан ўтишган.

Бетховен бир марта дайдилиги учун Ҳибсга ҳам олинган.

Уолт Дисней болалигида укки қушини ўлдирган. Кейинчалик бу қилмишидан жуда қаттиқ хафа бўлган ва дунёга машҳур мультфильмларида доимо жониворларни «тириштириш» билан шугулланган.

Уят гапдан юзингиз қизарган пайтда ошқозонингиз ҳам қизаради.

Қадимги грекларнинг фикрича, қизлар она қорнининг чап, ўғил болалар эса ўнг томониди ривожланади.

Бир одам танасида шунчалик кўп майда организмлар борки, уларнинг сони Ер юзида яшайтган инсонлардан ҳам зиёددир.

Дунёдаги энг қимматбаҳо картошка Францияда етиштирилаётган «La Bonnotte» навидир. Унинг бир килоси 500 евро туради.

Муסיқа ҳам даво

Касални дори-дармону шифокорлар ёрдамисиз даволаш мумкинми? Бугунги замон тиббиёти бу саволга ҳеч иккиланмасдан «ҳа» деган жавобни бермоқда. Фикримизнинг исботи сифатида муסיқа ёрдамида муолажа қилиш усулини келтириб ўтиш мумкин. Ҳозир Европа ва Американинг юздан ортиқ ўқув юртида ушбу йўналишда мутахассислар тайёрланаётганлиги муסיқа орқали даволаш тизими тиббиётга жадал кириб бораётганини кўрсатади. Баъзи клиникаларда ҳатто жарроҳлик операциялари муסיқа садоси остида ўтказилаётир

Севара АЗИМОВА, «XXI asr»

Немис тадқиқотчиларининг кузатишларича, киши танасига ёқимли муסיқа ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, муолажа давомида табиат оҳанглари — денгиз шовуллаши, япроқлар шитирлаши, ёмғир томчилаши каби товушларнинг кўлланиши яхши натижа беради.

Юрак-қон томирлари касалликларида торли асбоблар — гитжак, гитара, арфа, ўпка хасталигида эса труба ва тромбон куйлари яхши самара бераркан. Буни қарангки, мумтоз тароналар талоқни даволаркан. Дарвоқе, айнан опера кўшикчилари орасида узоқ умр кўрувчилар кўплиги ҳам уни ижро этиш вақтида юрак-қон томири ҳамда нафас олиш

тизимининг ривожланганидан далолатдир.

Муסיқа турлари орасида салбий таъсир кўрсатадиганлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, рок баъзи потологик, саратон ҳужайраларининг кўпайишига олиб келиши мумкин. Бундай муסיқа ишқибозлари зўравонлик ва бангиликка мойил бўладилар.

Товуш одам танасидаги ҳар бир ҳужайрани тебратувчи қувват майдонини ҳосил қилади. Натижада сигналлар резонансли частотага тушиб, унга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Инсондаги яхши кайфият ва тушқунлик, ғам ва қувонч, гайрат ва лоқайдлик, бақувватлик ва кучсизлик каби руҳий ҳолатлар ўзининг мураккаб ритмларига эга. Бу жараён муסיқа ритмларига жуда таъсирчандир. Шунинг учун ҳам киши руҳиятини да-

волашда муסיқали терапиядан фойдаланилади.

Америкада ҳомиладор аёллар учун белбоғ-бандаж ихтиро қилинган. У плеерга уланган бўлиб, аёл олтимшта аудио кассетадаги муסיқаларни эшитиши зарур. Ҳозиргача эмбрионлик пайтида муסיқа тинглаган 1200 нафар бола туғилган. Уларнинг ҳаммаси дунёга келгач, стандарт тестдан ўтди ва кўрсаткичлари бўйича бошқа тенгқурларидан тўрт баравар яхшироқ ривожлангани аниқланди. Яна бир қизиқ маълумот: Моцарт куйларини тинглаш талабаларнинг ақлий қобилиятини оширар экан.

Турли кашфиётлар билан ном қозонган японлар эса Моцарт муסיқаси янграб турганида новвойхонада ҳамир ўн баравар тез етилишини таъкидлашади. Ана сизга му- сиқанинг сеҳри!

Қўл ёки оёқ оғриси ёмғир ёғадими?

Бироз ҳаво ўзгариши билан кексаларнинг боши оғриб, қон босими кўтарилганига кўп гувоҳ бўлганмиз. Гоҳида юрак хасталикларига чалинган беморларнинг нафаси қисиб, оёқлари шишиб кетиши ҳам мумкин. Олимларнинг фикрича, магнит тўфонининг бошланиши натижасида инсон танасида ана шундай ҳолат кузатиларкан. Магнит тўфони пайтида ўпканинг нафас олиш кучи пасайиши илмий жиҳатдан исботланган. Об-ҳавонинг бирдан ўзгариши юрак фаолиятига ҳам таъсир қилади

Жисмимизга ҳаводаги табиий электрон заррачалар ҳам таъсир қилади. Айниқса, протон заррачалари чақмоқ пайтида ёки иссиқ шамол эсганда тўпланиб, саломатликка салбий таъсир кўрсатади. Айнан шунинг учун баъзи одамларнинг ёмғир олдида ахволи ўзгаради, нафаси қисади, юрак уриши тезлашади. Баъзи таъсирчан кишилар эса бу ҳолатни 2-3 кун олдин сезиб, уларни беҳоллик, руҳий тушқунлик, уйқусизлик, иштаҳанинг йўқолиши, бош айланиши каби ҳолатлар қийнайди. Шуниси ажабланарлики, ёмғирдан кейин бу аломатларнинг барчаси ўз-ўзидан ўтиб кетади.

Киши танасида ҳам электр токи мавжуд бўлиб, бош қисмида кўпроқ мусбат, оёқларда эса

манфий заррачалари бор. Осмон бирданига қорайиб, чақмоқ чақиши кўпчиликни ҳаяжонга солиши табиий. Ҳавонинг бу каби ўзгаришлари натижасида баъзиларда хавотир, кўркүв ҳисси пайдо бўлади. Йирик булутлардаги қувват ўртача шахарни йил давомида электр токи билан таъминлашга етади. Таъсирчан инсонлар момақалдиروқни икки кун аввал «башорат» қилишлари мумкин. Одатда чақмоқ чақиши баҳор ойларига тўғри келади. Айни шу пайтда баъзилар бош ҳамда кўзларнинг қамашиб оғриши каби нохушликлардан азият чексалар-да, қон босими пасаймайди. Бунга атмосферадаги электр токи сабаб бўлади.

Ўз мухбиримиз.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси маъмур фракция аъзоси Қутлимурат Бабашевга падари бузуқворни **АЙТМУРАТ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХИМАТ ИЗЛАТАНГА
ХИМАТДИР ДУНЁ

Энг катта ютүк ҳеч қачон ийқилмаслиқда эмас, балки ийқилган тақдирда қайта ойққа тура олишда.

КОНФУЦИЙ.

Жасур одамнинг қарашы кўрқокнинг қиличидан кескирди.

Шарқ мақоли.

Кўрқоклар бир неча маротаба ўлади, жасурлар эса бир марта.

Уильям ШЕКСПИР.

Ҳеч қачон хато қилмаган киши ҳеч қачон бирорта янгилик яратмаган инсондир.

Альберт ЭЙНШТЕЙН.

Ҳар бир инсон ўз амалларининг йиғиндисидир. Асло бошқа нарсга эмас.

Махатма ГАНДИ.

Бирор нарсани амалга оширишдан аввал ўзинг бирор нарсга аришинг керак.

ГЁТЕ.

Ҳаммамиз умр қисқалигидан шикоят қиламиз, аммо беҳудага сарфлаётган вақт қадрига етмаймиз.

СЕНЕКА.

Марваридлар соҳилда бўлмайди. Агар уни олишни истасанг, сувга шўнгимогинг даркор.

Хитой мақоли

Майда ҳаёллар инсоннинг улкан юрагини ҳаракатга келтира олмайди.

ГЁТЕ.

РЕКЛАМА



«Асака» банк

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:	Хорижий валютада:
«ҚАДРИЯТ» Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.	«ШОДИЁНА» (АҚШ доллариди) Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«БАҲОР» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.	«МАДАД» (АҚШ доллариди) Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади
«ФАРОВОН ТУРМУШ» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.	«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (Еврода) Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«ТЕЖАМКОР» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналирилади.	

Шу билан бирга, «Асака» банк қулай шартларда миллий ва хорижий валюталардаги 60 дан зиёд омонат турини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сергеи филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анджон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фаргона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди

www.asakabank.com Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

3A3 FORZA

Автомобили для жизни!





Автосалон в Ташкенте

Тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



3A3
www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.